

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланишнинг ахамияти

*М. Алимова*

*Жиззах ДПУ талабаси*

Ushbu maqolada umumta'lim maktablarining darslarida zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanishning afzalliklari yoritilgan. Zamonaviy ta'limni olib borishda axborot texnologiyalarining o'rni haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lim, axborot texnologiyalari, kompyuter, dars, tarbiya.

В данной статье рассматриваются преимущества использования возможностей современных информационных технологий на уроках общеобразовательных школ. Представлена информация о роли информационных технологий в проведении современного образования.

**Ключевые слова:** образование, информационные технологии, компьютер, урок, воспитание.

This article covers the advantages of using the capabilities of modern Information Technology in the lessons of secondary schools. Information about the role of Information Technology in the conduct of modern education is presented.

**Keywords:** Education, Information Technology, Computer, lesson, upbringing.

Фанни ўрганишда мактаб ўқувчиларига, олий таълим муассасалари талабларига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланиб назарий ва амалий дарсларни ташкил қилиш замонавий ахборот воситаларидан муҳим фойдаланиб бормоқда. Чунки бу воситаларсиз айни фанда ўқувчилар қобилятини ўстиришнинг имкони йўқ. Кўпинча ўқитувчилар, фани услубчилари ва фан олимлари учун АКТ воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бош мақсад бўлиб қолмоқда. Бироқ бу нотўғри бўлиб, фани ўқитишда умумий таълим хусусиятига мос келмайди ва замонавий информатика стандартга зиддир. Бошқача қилиб

айтганда информатикани мактаб таълимидан эмас, мактабгача таълимда бошлаш лозим. Чунки, бугунги кунда хаётнинг ўзи рақамли техник воситалардан доимий фойдаланишни талаб қилмоқда. АКТ воситалардан ўқитишни эрта бошлаш ёшларнинг компютер саводхонлигини таъминлаш хаёт талаби ва мажбурияти остида пайдо бўлди ва у ўз-ўзидан болаларда асосан компютер кўникмаларини шакллантиришга қаратди. Ўтган асрнинг сўнги 20 йилида, офис дастурлар пакети деб номланган АКТ воситалари оммавий тарзда фанинг асосий таркибига киритилган бўлиб, кўпроқ ушбу пакетларга киритилган дастурий воситалар билан ишлаш ва ўрганиш тус олган. Бироқ, бир неча йил ўтгач информатика фанининг таълим салоҳиятидан фойдаланиш, уни инсон дунёқарашига, шахсий ривожланишига, ижтимоийлашувига қўшган ҳиссаси ва бошқалар ўрганила бошлади. [2] Чунки, хозирда барча соҳа деярли АКТ ва замонавий рақамли техник воситалардан иқтисодий, ижтимоий, моддий, маънавий хатто керак бўлса салбий жиҳатдан қўлланилмоқда. Бу албатта фанни ўқитишда АКТ ва замонавий педагогик воситаларни қўллашни талаб этади. Ҳозирги вақтда ахборот технологияларининг барча педагоглар каби информатика соҳаси ўқитувчисидан замонавий ахборот ва педагогик технологияларини яхши билишини талаб этади. Информатика фанини ўқитиш доирасида кўплаб амалий масалалар ўрганилади, фанни чуқур ўрганган ҳар бир талабага олган билимлари ва кўникмаларидан тадқиқот ишларида, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида, шунингдек, таълим тизимида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ўқув жараёнига янги, илғор педагогик технология, дарс ўтишнинг ностандарт, ноанъанавий услублари, хусусан, интерфаол услуб кенг жорий этилмоқда. Биз шундан келиб чиққан ҳолда янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича тўпланган тажрибаларни баён этишни лозим топдик. Дарс ўтишнинг илғор педагогик технологияларга асосланган босқичларини қуйидагича белгиладик: Дарснинг мақсад ва вазифалари. Ўқув жараёнининг мазмуни (мавзуга оид методик тавсиялар, қисқача матнда мавзунинг асосий мағзи, ғояси берилади). Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси (мавзу мақсадига мос фаоллаштирувчи услуб, дарс шакли, воситаси, усуллари

аниқланади. Ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш йўллари белгиланади. Ўқитувчи танлаган технология якуний натижа-ДТСлари талабларига эришишни таъминлаши зарур). Кутиладиган натижалар (маълум бир мавзу ўтилгач, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим ва кўникмалар, ишлашлари ва шуғилланишлари шарт бўлган компьютер машқлари, дастур йўриқномалари намуналари; бунда нафақат ўқувчилар, ўқитувчининг ўзи ҳам дарсдан кутилган якуний натижага эришиши керак). Келгуси режалар (бунда келгуси мавзу учун замин, асос яратилади, кейинги мавзу билан ўрнатилган мавзунинг узвий алоқадорлиги айтилади). Бу босқичлар ичида энг муҳими-ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси бўлиб, бунда янги технология мавзу мақсадига мос қилиб танланади. Тажрибамизда синаб кўрилган технологияларнинг баъзиларини келтирамиз.

Кейс-дарс ўтишнинг бу янги технологияси қуйидагича амалга оширилади: дарсда ўтилиши, таҳлил қилиниши керак бўлган муаммо (мавзу, топшириқ, амал)нинг қисқача ёзма матни ўқувчиларга аввалдан берилади: қўйилган муаммо бўйича ўқувчилар олган натижалар, қабул қилинган қарорлар синфда муҳокама этилади ва аниқ бир фикрга келинади. Янги, келгуси мавзу учун замин тайёрланади. Дарс жараёнига Кейс технологиясини қўллаб, шундай хулосага келиш мумкин: бу технология ўқувчиларни масалага турлича ёндошувга, уларни таҳлил қилишга ўргатади. Бунда ўқувчи ўз билимини ўртоқлари билими билан таққослайди, солиштиради, улар билан фикр алмашади. Олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш имконияти яратилади. Бу технология ўқувчиларни маълумотларни танлаш, зарурларини ажратиб олишга ўргатади. Ўқувчилар турли маълумотлар орасидаги ўзаро алоқадорликни топиш, ўрнатиш кўникмаларини хосил қиладилар. Бунда ўқувчининг муаммони олдиндан кура билиш, сезиш (интуиция) ҳисси ривожлантирилади. Дарс ўтишнинг кластер деб номланган янги технологияси умумлаштириш, такрорлаш дарсларида яхши самара беришини тажрибаларимизда синадик. Бу технология амалиётда шундай қўлланилади: мавзу доска (ёки катта оқ қоғоз) ўртасига ёзилади. Ўқувчилар бирин-кетин шу мавзуга оид тушунча ва қоидадарни, тарифларни айтадилар. Айтилган тушунчалар доскага ёзиб борилади, тушунчалар ўртасида мавжуд бўлган боғланиш, алоқалар

ўрнатилади, мос мисоллар тузилади, таҳлил қилиб борилади. Ўқувчиларга амалий топшириқлар берилади. Дарс жараёнида қўлланиладиган яна бир янги технология Веер деб аталади. Бунда ўқувчилар 3-4 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга аввалдан тайёрлаб қўйилган топшириқ берилади. Топшириқ ёзилган варақнинг бир қисмида машқлар бўлиб, ўқувчи машқларни бажариш жараёнида қандай тушунча ва қоидалардан фойдаланганини варақнинг иккинчи қисмига топшириқларнинг рўпарасига ёзади. Ҳар бир гуруҳ берилган вазифа қандай бажарилганини ўз тақдимида айтади. Тақдимоатлар таҳлил қилинади. Бажарилган топшириқлар компьютерда тайёрланган дастурий иловалар ёрдамида таҳлил қилинади ва баҳоланади. Умумий хулоса қилиб айтаганда информатика фанини ўқитиш жараёни маъруза, амалий, лаборатория машғулоти ва мустақил таълим кўринишида олиб борилиши билан бирга ўқитишнинг илғор ва замонавий ахборот коммуникацияси технологияларини, хусусан, мультимедиа ва дастурий воситалар, интернет технологиялари ва янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилишни талаб қилар экан [3]. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш давр талабидир.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - T., 2021 y.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 17-sonli Qarori. - T.: O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2017 y.
3. Ishmuxamedov R.J., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar.- T.: "Nihol" nashriyoti, 2016.